ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 13 март куни мамлакатимизга ташриф буюрган Покистон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Сардор Асеф Аҳмад Алини қабул қилди.

Президент Ислом Каримов суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги муносабатларнинг изчил ривож топаётганини таъкидлади. Мамлакатларимиз ўртасида тез-тез ўзаро сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказилиб турилгани алоҳида аҳамиятга эга ва бу кейинги пайтда анъанага айланиб бормоқда, деди жумладан, Президент.

Сардор Асеф Аҳмад Али икки томонлама муносабатларнинг мустаҳкамланиб бораётгани мамлакатларимиз ўртасидаги манфаатли ҳамкорлик истиқболидан дарак беришини ва Покистон ҳукумати Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантиришга тайёрлигини таъкидлади.

Суҳбат давомида Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги икки томонлама муносабатлар, савдо-иқтисодий алоқалар ва минтақавий ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Содиқ Сафоев, ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов иштирок этди.

Қабулда Покистон Ислом Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Шавкат Али Шайх ҳозир бўлди. **(ЎзА).**

СУРАТДА: қабул пайти.

А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ФУТБОЛНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Футбол клублари ва мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

Белгилаб қўйилсинки, 1996 йил 1 январдан бошлаб:

корхоналар ва ташкилотларнинг фойдадан олинадиган солиқ бўйича солиқ солинадиган базаси футболни ривожлантириш ва кўмаклашишга, футбол клублари ва мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга йўналтириладиган маблағлар суммасига, солиқ солинадиган фойданинг 5 фоизи миқдоригача камайтирилади;

ўқувчиларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун товарлар ишлаб чиқарувчи Ўзбекистон Республикаси корхоналари маҳсулотларига 5 фоиздан ортиқ бўлмаган чекланган савдо устамаси қўлланилади.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 13 март.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси | **1996 йил 14 март, пайшанба № 32 (21.953).** | *Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган*

МАМЛАКАТИМИЗДА

Янгиликлар, хабарлар

• **Республика «Маънавият ва маърифат» маркази Акмал Икромов тумани ҳокимлиги билан ҳамкорликда «Соҳибқирон Амир Темур: ҳаёти, фаолияти, мероси» мавзуида суҳбат уюштирди. Анжуманни марказ раҳбари, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Неъмат Аминов олиб борди.**

Моҳир санъаткор Неъматжон Қулабдуллаевнинг соҳибқирон бобомиз ҳақида куйлаган қўшиғи, туман ёшлари томонидан ижро этилган қўшиқ садолари анжуманга хуш кайфият бағишлади.

Машҳур кинорежиссёр Малик Қаюмовнинг «Гўри Амир» телефильми намойиш этилди. Турғун Файзиев, Убайдулла Уватов, Наим Норқулов, Турғунбой Саксонов каби олимлар Амир Темур шажараси тўғрисида, буюк бобомизнинг ҳаёти ва ижоди, унинг илм-фан ва маданиятга қўшган улкан ҳиссаси, у қурдирган маҳобатли обидаларнинг маънавиятимизда тутган муҳим ўрни ҳақида мароқли маърузалар қилдилар.

***

• **«Амубухороканалқурилиш» бошқармаси бунёдкорлари Қоровулбозор туманида қурилаётган нефтни қайта ишлаш заводини сув билан таъминловчи насос станциясининг дастлабки кўтарма иншоотини тиклаб бўлди. Ҳадемай, Қоровулбозор шаҳри аҳолиси ва корхона қурувчилари зилол сувдан баҳраманд бўлади.**

***

• **Бухоро туманидаги Обид Убайдов номли жамоа хўжалигининг Янгиобод қишлоғида «зангори олов» ёнди. Шу тариқа туманда табиий газдан баҳраманд бўлмаётган биронта қишлоқ ёки хонадон қолмади. Бунинг учун қисқа муддатда 700 километр узунликда газ қувури тортилди. Эндиликда аҳолини тоза ичимлик сув билан тўла таъминлаш ишлари авж олдириб юборилди.**

Ўзбек диёрида баҳор.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат.

Кўрик-танлов

«ЎЗБЕКИСТОН – ВАТАНИМ МАНИМ»

БУХОРО (мухбиримиздан). Вилоятда республика кўрик-танловининг биринчи босқичи якунланди. Кўрик янги овозларни кашф этди, ғолиблар муносиб олқиш олди.

Кўрик-танловнинг саралаш босқичи «Камолот» маданият уйида ўтказилди. Унда 42 нафар ижрочи қатнашди. Ҳакамлар ҳайъати биринчи ўринни шоир Садриддин Салимовнинг «Зикр» шеърига куй басталаб, ўзи ижро этган артист Ўлмас Расуловга беришни лозим топди. Бухоро, Қоровулбозор, Когон туманларида ўтказилган танловда ҳам ғолиблар аниқланди. Энди улар вилоят кўрик-танловида қатнашадилар.

Даврон БАҲРОНОВ.

Диққат: янгилик!

ЧИГИТНИ ПЛЁНКА ОСТИГА ЭКУВЧИ СЕЯЛКА АНДИЖОНДА ЯРАТИЛДИ

Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш йўлидаги изланишлар натижаси кўрилди. Ўзбекистондагина эмас, балки пахта етиштирувчи Ҳамдўстлик мамлакатлари орасида биринчи бўлиб чигитни плёнка остига экувчи 8 қаторли замонавий сеялка яратилди. Андижон механика заводида бундай сеялка ишлаб чиқариш амалга оширилмоқда. Дастлабки тайёрланган янги сеялкалар жамоа хўжаликларига юборилди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

Мустақиллик ва бурч

МАДҲИЯМИЗНИ КУЙЛАШНИ БИЛАМИЗМИ?

Мадҳиямиз ҳақида мақола ёзиш, қолаверса, жуялироқ жавоб олиш илинжида зиёли дугоналаримнинг биридан атайлаб сурадим:

— Мушарраф, «Ўзбекистон мадҳияси»нинг 2- банди қандай бошланарди?

— 3-4 йил олдин янги қабул қилинган пайтда қайта-қайта ўқувдим. Ҳатто, ўқувчиларимга қўшилиб ёдлаб ҳам олувдим. Лекин ҳозир ... Тўғриси, хотирам бирам ёмонки... бошидаги икки қаторини биламан холос. Яхшиси, Шоҳсанамни чақира қолай, ҳаммасини шарилатиб айтиб беради?

— Шоҳсанам неча ёшда?

— Баҳор келса тўртга тўлади.

Дугонам нарироқда тенгқурлари билан копток ўйнаётган қизчасини чақирди. Ростдан ҳам юртимиз мадҳиясини у ёддан биларкан. Кўнглим сал жойига тушди.

— Сенга бу қўшиқни ким ўргатган?

— Боғча опамлар. Яна мен байроғимизнинг, гербимизнинг суратини қанақа эканлигини ҳам биламан. Боғча опамиз бизга мадҳияни ҳамма билиши керак деганлар.

Ҳайрият! Дугонам қизчасига ғурурланиб қараб қўйди.

Мен эса ўйланиб қолдим. Фарзандларимиз ва ҳали ўқишни, ёзишни билмайдиган гудакларимиз мадҳиямизни куйлашни биладилар.

Нега энди биз катталар саводли бўла туриб — билмаймиз. Ҳатто, бундан ор қилмаймиз, уялмаймиз ҳам. Ёки ўғил-қизларимиз ҳам улғайганларида бу қўшиқни унутиб қўйишармикин!

Мактаб ўқувчиларига мурожаат қилиб кўрдим. Бошлангич синф болаларини ҳисобга олмаса, аҳвол мақтагулик эмас. Биров бир бандини, биров икки сатрини, яна бири ярмини ёддан билади. Бири сўзларини билса, куйлашни билмайди. Бошқаси куйини билади-ю, сўзларини эсидан чиқариб қўйган...

Дунёдаги энг демократик давлатлардан бири ҳисобланган Америка мактабларида дарслар Ватан мадҳияси билан бошланар экан. Бизда эса бор-йўғи ҳар тонг роппа-роса соат 5 да ҳаво мавжлари орқали Ўзбекистон мадҳияси янграйди. Ҳолбуки, бу пайтда аҳолининг асосий қисми уйқуда бўлади. Демак, кичкинтойларимиз, ўсмир ёшдаги фарзандларимиз, ҳатто барвақт туришга одатланмаган уй бекалари ва хонадон соҳиблари ҳам бу қўшиқни эшитиш имкониятидан маҳрумдирлар.

Давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим анжуман ё бирон спорт мусобақаларида мадҳиямиз эшитилиб қолмаса, бошқа пайтда деярли жимжитлик. Юрт қўшиғининг қон-қонимизга, жон-жонимизга сингиб кетмоғи учун нима қилишимиз керак ўзи! Балки беҳуда хуноб бўлаётгандирмиз. Эҳтимол, бу имкониятсизликнинг ҳам бирор чораси бордир... Боғча болаларига, мактаб ўқувчиларига кунда бўлмаса-да, ҳафтада бир марта умумий йиғилишларда — байрам кечаларида куйлатиб турилса қандоқ бўларкин! Эҳтимол бу усулни катталар учун ҳам татбиқ этиш мумкиндир! Балки Ўзбекистон радиоси ва телевидениеси бошқачароқ — дурустроқ йўлини таклиф қилар.

Нима бўлганда ҳам ўзини ўзбекистонликман деган ҳар бир инсон юрт қўшиғини, Ватан мадҳиясини қўлидаги бир парча қоғозга қараб эмас, она тупроқ тафтини, беғубор осмон ҳароратини, ҳурлик ва озодлик қадрини, Ватанга эгалик ва муносиблик саодатини ҳис қилган ҳолда қаддини тик тутиб баралла куйламоғи шарт!

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА.

Тараддуд

ЯРИМ АСРЛИК ШАҲАР

ТОШКЕНТ (мухбиримиздан). Шу йил ёзда Ангрен шаҳрининг 50 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўрилмоқда.

Шаҳар ҳокими муовини А. Кўкановнинг таъкидлашича, ўзига хос тўйга тайёргарлик кезлари ўлкашунослик музейи таъмирланиб, кўча ва хиёбонлар, истироҳат боғлари хашар йўли билан байрамона ҳолатга келтирилади. Шаҳар қурилиши ва иқтисодий ривожланишга муносиб ҳисса қўшган кишилар аниқланиб, тантаналарга таклиф этилади. Ангреннинг тарихи ва тараққиётини акс эттирувчи «Афсонавий шаҳар» номли икки жилдли китоб босмага тайёрланмоқда. Шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари суратларидан иборат уч хил ҳажмдаги тақвимлар Японияда чоп қилинмоқда. Шунингдек, Япониянинг биродарлашган Кураяма шаҳридан меҳмонлар таклиф қилинади.

Абдунаби МАННОПОВ.

Наврўз тараддуди

ХАЙРИЯГА — 300 МИНГ

СИРДАРЁ (мухбиримиздан). Вилоят ҳокимлиги шу йил 14 март куни Гулистондаги Олим Хўжаев номли вилоят мусиқали драма театри биносида Наврўз байрами шарафига хайрия кечаси ўтказишга қарор қилди.

Хайрия ҳисобига тушган маблағлар ногирон, ночор оилалар ҳамда қаровчиси йўқ кишиларга ёрдам учун сарфланади. Ҳозир вилоятдаги турли ташкилот, идора ва муассасалардан «Наврўз» хайрия кечаси жамғармаси ҳисобига маблағ ўтказиш бошланди. Вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи Парда Жумаевнинг хабар қилишича, бошқарма жамоаси ойлик иш ҳақи ҳисобидан хайрия учун 300 минг сўм ўтказишга қарор қилган.

Абдужалил УМАРОВ.

Шарҳловчи минбари

КАРТОШКА МУСТАҚИЛЛИГИГА ҲАМ ЭРИШСАЙДИК

Насиб этса, бу йил мамлакатимиз ғалла мустақиллигига эришади. Бу соҳада олиб борилаётган қатъий саъй-ҳаракатлар шундан далолат бериб турибди. Хуллас, нонимиз бутун, беминнат бўладиган кун яқин.

Картошкани халқимиз, «иккинчи нон»деб атайди.

Бинобарин, бу неъматнинг дастурхонимизда тутган ўрнини қанча таърифласак оз... Тараққий этган мамлакатларда аҳоли жон бошига 45 килограммдан картошка истеъмол қилиниши меъёрий жиҳатдан мақбул ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқилса, 23 миллион аҳоли яшайдиган республикамизга қанча картошка зарур эканлигини ҳисоблаб чиқиш қийин эмас: бир миллион тоннадан ортиқ картошка етиштириш даркор. Халқимизни ана шу қимматли озиқ-овқат маҳсулоти билан таъминлашга даъват этилган масъул ташкилот — «Ўзмевасабзавотузумсаноат» уюшмасига ва бошқа тизимликларга қарашли хўжаликлар бултур 440 минг тонна картошка етиштирдилар, холос.

Бу талаб қилинаётган маҳсулотнинг ярмини ҳам ташкил этмайди. Агар қоғоздаги рақамлар тарозудаги рақамга ҳамиша ҳам тўғри келавермаслигини назарда тутсак, маҳсулотни ташиш, сақлаш, истеъмолчига етказиб беришдаги нобудгарчиликларни ҳисобга олсак салмоғи анча пучайиб қолади. Мана шунинг учун ҳам бозорларимизда картошканинг нархи сабзи, пиёз, қовунтарвуз сингари неъматлардан анча илгарилаб кетди.

Бир кило картошкани бозордан 23-25 сўмга харид қилаётган истеъмолчи бугун «бу йил қандай бўларкин, картошкага яна зориқиб қолмасмиканмиз» дея безовталаниши табиий. «Ўзмевасабзавотузумсаноат» уюшмаси берган маълумотларга кўра, бу йил мамлакатимизда 59 минг гектар майдонга картошка уруғи экилиб, 725 минг тонна маҳсулот етиштириш режалаштирилган. Агар шу яхши ният амалга ошса, бозорларимиз «иккинчи нон»га тўлиб, нархлари ҳам эпақага келиб қолади.

Алқисса, бозорларда картошканинг қимматлиги фақат маҳсулот камлиги сабабли эмас. Таннарх қимматга тушяпти. Уруғ масаласи деҳқоннинг бошини қотиряпти.

Бултур айни уруғ қадаш чоғида уруғлик картошканинг нархи 2-3 баравар ошиб кетди. Баъзилар бундан эсанкираб, тайёрлаб қўйган ерларига бошқа нарса экиб юбордилар. Шу каби сабабларга кўра бултур республика бўйича 11 минг гектар ерга картошка экилмай қолди.

1992 йилда юртбошимиз И.Каримовнинг шахсан ташаббуси билан валюта эвазига Голландиядан уруғ келтирилган ва ўша йили тармоқда силжиш кузатилгани эсимизда. Картошка етиштиришга ихтисослашган Янгиқўрғон, Булунғур, Бахмал туманларида айниқса дуруст натижалар қайд этилганди. Энди ўзимизни ўзимиз картошка билан тўла таъминлашга ишонч пайдо бўлганди. Афсуски, тармоқдаги баъзи суиистеъмолликлар, хўжалик раҳбарларининг уқувсизлиги, мутахассисларнинг нўноқлиги сабабли чет элдан келтирилган картошка уруғи бой берилди. Умуман уруғчилик издан чиқиб кетди. Бу соҳанинг жиловини тезда қўлга олиниб, давлат томонидан қўллаб-қувватланмаса, картошкачиликда бурилиш ясаш қийин. Бизнингча, тармоқдаги иллатнинг илдизлари ўзаро шартномаларга — хўжалик билан картошка етиштирувчи ижарачилар, пудратчилар ўртасидаги битимларга ҳам бориб тақалади. Бу шартномалар рисоладагидай мукаммал тузилмаяпти. Шартномага имзо чекувчи томонларнинг ҳар иккаласида ҳам қусурлар борки, бу охир-оқибат истеъмолчиларнинг гарданига юк бўлиб тушади. Маҳсулот етиштириш юзасидан шартнома тузилдими, уни бажариш ҳам фарз, ҳам қарз бўлиши шарт. Бу ўринда қонунларимиз ҳам ўз кучини кўрсатиши, ишлаши керак.

Хуллас, бозорларимизда картошка арзон ва сероб бўлиши биргина деҳқонга боғлиқ эмас. Унинг муаммоларини ҳал этиш, оғирини енгил қилишга кўмаклашиш, қисқа қилиб айтганда, бир ёқадан бош чиқариш кўзланган мақсадга етказади ва ғалла мустақиллиги сингари картошка мустақиллигига ҳам эришилади.

Норбобо ШАКАРОВ,
«Ўзбекистон овози»нинг иқтисодий масалалар бўйича шарҳловчиси.

БУГУНГИ СОНДА:

2-бет

«Кўча-кўйда биз, шарқликларнинг ақлимизга ҳеч сиғмайдиган газета-журнал, китоб ва бошқа турли хилдаги шармисорликка чорловчи порно-маҳсулотлар қайси йўллар орқали Ўзбекистонга кириб келяпти?»

3-бет

«АҚШ президентларининг қароргоҳи бўлмиш Оқ уйда ёнғин чиқди»...

4-бет

«Романда тарихий воқеалар қандай кечган бўлса, шундайлигича акс эттирилган. Соҳибқиронинг фазилатлари ёрқин лавҳаларда баён қилинган».

Ҳаёт билан ҳамнафас

«ҲАЛОЛЛИК ҲАММА НАРСАДАН ЮҚОРИДИР»

***СУҲБАТДОШИМИЗ:** Алиқобил Ўсканов асли Зомин туманининг Увол қишлоғида туғилган. У уч мутахассисликка эга. Аввал Тошкент ҳуқуқшунослик техникуми, сўнг Иваново Давлат университети, ниҳоят Жиззах политехникумида ўқиди. Оилали, беш қиз, бир ўғилнинг отаси.*

Алиқобил ака ҳуқуқшунос, ўқитувчи ва қурувчидир. У Ўзбекистон ХДП Зарбдор туман кенгашининг биринчи котиби. Таҳририятимизга партия ҳаёти билан боғлиқ янгиликлар, хат-хабарлар унинг номидан кўп келиб турарди. Партиявий ишлардаги муаммо Алиқобил Ўскановни таҳририятимизга етаклаб келибди...

— Алиқобил ака, қузатишларимиздан маълумки, бугун партия ва ёшлар ташкилотларида ишлаётган кадрларга эътибор биз мақтанадиган даражада эмас. Бунинг сабаби нимада, деб ўйлайсиз?

— Давр тақозоси билан ишбилармонларга эътибор ортиб кетди. Тадбиркорни, аниқроғи ҳисобида пули бор кишини раҳбарликка кўтаришмаса ҳам у ишбилармонлигини давом эттиради. Аммо, раҳбарликка арзигулик маънавий, сиёсий етук, ишда ҳалол ва пок кадрлар бизда анчагина.

— Гап айланиб маънавиятга тақалди. Зарбдор туман партия кенгаши бу борада қандай ишларни амалга оширяпти?

— Ўзбекистон ХДП Миллий истиқлол мафкурасида янги даврнинг янги ғоялари акс этган. Шу асосда партиямиз Низом ва Дастурига амал қилиб иш юритяпмиз. Мақсадимиз кўпроқ кишилар орасига кириб бориш. Уларнинг маънавий оламини бойитиб, она-Ватан равнақи учун меҳнат қилишга чорлаш.

Юртбошимиз олға сурган «Туркистон — умумий уйимиз», «Ўзбекистон — Ватаним маним» деган ҳаракат ва танловни катта қувонч билан қарши олдик. Улар асосида бўлаётган тадбирлар ҳар бир инсонни мустақил мамлакатимиз қадрига етиш, уни мустаҳкамлаш, кўз-қорачиғидек асрашга даъват этмоқда.

— Ҳўжаликлардаги бошланғич партия ташкилотлари олиб бораётган ишлар сизни қониқтирадими?

— Назаримда, ишдан қониқиш ҳосил қилиш ва уни бир маромда олиб бориш мумкин эмас. Чунки ҳар доим бир хилда ишлаш орқали киши жойида қотиб қолади, деб ўйлайман. Шу маънода «Андижон» ижара ширкатлар бирлашмаси, «Истиқбол» ширкатлар уюшмаси бошланғич партия ташкилотлари котиблари олиб бораётган долзарб вазифалардан қувонаман. «Андижон»да 200 га яқин аъзо бор. Бошланғич партия ташкилоти котиби халқ депутатлари туман Кенгаши ноибидир. «Истиқбол» ширкатлар уюшмаси партия ташкилоти саъй-ҳаракати билан биргина ўтган йили хўжаликда тикувчилик, этикдўзлик цехлари, сартарошхона, ошхона, 3 та тегирмон ишга туширилди. Қишки клуб таъмирланиб, ёшларимиз камолоти учун фойдаланилмоқда. Бошқалар ҳам улардан намуна олиб, ёниб ишлашини истардим.

— Партияга қабул ёки ундан чиқариш ҳақида фикрларингиз?

— Шу йилнинг дастлабки ойида 11 киши сафимизга қўшилди. Бир ойда 20-30 кишини ҳам қабул қилиш мумкин. Лекин гап сонда эмаслигини тушунган ҳолда шошма-шошарликка йўл қўймаяпмиз. Ҳар бир аъзоликка номзод пухта ўрганилгандан сўнггина қабул қилинмоқда. Биз 3-4 кишини партиявий интизомни бузгани учун аъзоликдан чиқардик. Бу билан ХДП аъзоларига адолатли баҳо бериб турган бўламиз.

Туман ҳокимлиги билан алоқамиз яхши. Собиқ биринчи котиб Аждар Сарсенов туман ҳокимининг муовини, Ёшлар Иттифоқи туман қўмитасининг собиқ сардори (бюро аъзомиз) Бахтиёр Элмуродов туман маданият бўлими мудири бўлди.

Биринчи котиб икки гапнинг бирида: «Ватан равнақини маърифатли кишиларгина белгилайди. Ҳалоллик ҳамма нарсадан юқоридир», — дейди. Биз ҳам ҳалол ва покиза кишиларни жипслаштириб, улар сафини янада кенгайтираверинг, деган истакни билдириб қоламиз.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Маънавиятимиз мусаффо бўлсин

ОҚ ҚОҒОЗДАГИ ҚОРА ДОҒЛАР

Инсон аввало ўзининг иффат пардаси билан инсондир. Диёримизда ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган поклик, ҳаё, андиша каби хислатлар одоб-ахлоқ мезонига айланиб кетган. Афсуски бозорлар, чорраҳалар, дўконларда бундай олижаноб фазилатимизга доғ туширувчи қусурлар пайдо бўлмоқда. Гавжум бекатларда, кўча-кўйларда шарм-ҳаёсиз суратли китоблар пайдо бўлаётгани кўнгилни ғаш қилади.

«Ўзбекистон овози» газетасининг 5 март сонида чоп этилган «Шарм-ҳаё қаёқда қолди?» сарлавҳали мақолани ўқидим. Мақола муаллифлари четдан келтирилаётган китоблар, газета ва журналлар миллий ахлоқимизга мос келиш-келмаслигини аниқлаш лозим, деган фикрни айтмоқдалар. Мен бу фикрни тўла қўллаб-қувватлайман. Яқинда кўчаларни айландим. Пештахталардаги беҳаё китоблар билан бир қаторда шундай ярамас иллатларни тарғиб этувчи газеталар, журналлар ва бошқа ашёлар таъбимни хира қилди. Очиғи, Шарқда катта маърифат ва маънавият маскани сифатида тан олинган Тошкентдек шаҳри азимда беҳаёлик ва андишасизлик акс этган босма маҳсулотларнинг кўпаётгани кишини даҳшатга солади. Горький метросининг орқа чап йўлагидан чиқиб, «Дилноз» тижорат дўконидаги карталарини бу ерда сотиш мумкинми?» деб сўрадим. У гап нима ҳақида бораётганлигини тезда тушунди шекилли, мулзам тортиб «битта, иккита қолувди» деди.

Ўз-ўзимга савол бераман: «Наҳотки, тижорат дўконларида ҳам бундай беҳаё суратлар савдоси авж олган бўлса? Ҳаром нарсани пуллайдиган сотувчи бола-чақасига ҳалол ошнон едиряпман, деб қайси виждон билан гапира оларкин-а?!

Дўкондан чиқиб яна метронинг ўтиш йўлагини кўздан кечираман. Ҳамма нарса сотиляпти. Кўзим пештахтага ёйиб қўйилган китобларга тушди. Болаларнинг расм бўяш китобидан тортиб, «Библия»гача бўлган моллар орасида «Любовь в коммерческом палатке» китоби муқовасидаги шаҳрм-ҳаёсиз сурат унинг саҳифаларига қандай фаҳш саргузаштлар битилганини англатади.

Метронинг бошқа бекатларидаги йўлакларда ҳам ахлоқ-одобимизга зид китоблар, журналлар, газеталар савдоси қизғин. Амир Темур бекатидаги йўлакда туппатузук ўзбек қизи ҳар хил газета ва журналлар солинган халтасидан «Пинтхаузе» журналини чиқариб кўрсатди. Баҳоси 150 сўм. Унинг саҳифалари беҳаё лавҳалар билан тўлиб-тошган. Сотувчи қиз бола бўлганлиги учун тилимни тишладим. У эса бепарво ва ҳақиқий харидор келдиёв деган хаёлда журналларга изоҳ бера бошлади. У гапларни айтолмайман.

Ўйлаб қолдим. Нималар бўлаяпти ўзи? Қаёққа, кимга эргашяпмиз? Кўча-кўйда биз шарқликларнинг ҳеч ақлимизга сиғмайдиган бундай газета-журнал, китоб ва бошқа турли хилдаги шармисорликка чорловчи порно-маҳсулотлар қайси йўллар орқали Ўзбекистонга кириб келяпти? Устига-устак уларнинг тарқатилиши ва сотилишини назорат қиладиган бирон идора борми?

Бу дардли саволларга ким жавоб беради?

Муҳаммаджон ПЎЛАТОВ,
қурувчи.

Тажриба ва сабоқ

ЯНГИ УСУЛ ШАРОФАТИ

Инсониятга зарур бўлган обиҳаёт якка ёки бир гуруҳ кишилар қўлида қолса, катта муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Сув умумхалққа хизмат қиладиган манба бўлгани учун фақат давлат томонидан бошқарилиши афзал. Шунинг учун ҳам сув хўжалиги хусусийлаштирилмади.

Давлатимизнинг бу жабҳага бўлган эътиборидан соҳа ходимлари масъулиятни чуқур ҳис қилдилар. Маблағдан тўғри фойдаланиш мақсадида Хоразм вилояти Шовот туманида ҳосилдорлиги пасайган 1,5 минг гектар ернинг лойиҳа сметаси тайёрланди.

Ўтган йили таъмирталаб 679 та гидроиншоот тузатилди. Булар сув иншоотларининг 48 фоизини ташкил этади. Режадаги 100 километр ўрнига 110 километр зоҳкаш чуқур қазилиб, атрофдаги ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Республикалараро «Давдон» коллектори лойқа чўкиндилардан тозаланди. Жами ўн бешта экскаватор юқори унум билан ишлатилиб, 550 минг кубметр тупроқ қазиш ишлари бажарилди. Қисқа муддатда 144 километр узунликдаги каналлар тозаланди.

Ишлаб чиқаришни ташкил этишда бош муҳандис Ҳамро Аҳмадов, механизмларни таъмирлаш ишларида Азимбой Сафаров, ҳисоб-китобда Қўзивой Отажонов, Роҳатжон Раҳимоваларнинг қўли-қўлига тегмади ҳисоб. Миробларидан Нормат Мадаминов, Ғулмат Рўзматов, экскаваторчилардан Жумабой Саъдуллаев, Ражаббой Эрматовларнинг жонкуярликлари туфайли вазифалар ошиғи билан уддаланди. Тўқсон бешинчи йилда сув хўжалиги объектларидан фойдаланиш ва таъмирлаш ишлари учун 15 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

— Шовот туманидаги экин майдонининг 15 фоизи кучли шўрланган, — дейди туман сув хўжалиги бирлашмаси бошлиғи Баҳодир Тошев. — Бундай далаларнинг юзаси бир-икки сантиметр қалинликда туз билан қопланган. Агар 2 метр қазилса, 30-40 сантиметрли кўкимтир зич тупроққа дуч келинади. Дала юзасида туз йиғилиб қолишига ана шу тупроқ сабабчи булади. Экин суғорилганда сув сингиб, тўсиққа учрайди, захкашга оқиб кета олмайди. Кўкимтир тупроқ юмшатилсагина, ернинг мелиоратив аҳволи яхшиланади ва юқоридаги тузли сув сингиб, зоҳкашдан чиқиш имконияти эга бўлади.

Маҳтумқули номли жамоа хўжалигидаги 70 гектар майдон умуман ҳосил бермай қўйганди. «Оқбошли» массивини қандай қилиб ҳосилдор ерга айлантириш масаласи катта мунозарага олиб келди. Экскаватор билан ағдарилса, иш унуми юқори бўлишига эришилмасди. Шунинг учун «Чебоксар» трактори мосламаси ёрдамида 1,5-2 метр чуқурликда ағдаришга киришилди. Кўкимтир зич қатлам бузилиб тупроқнинг ғоваклик даражаси ошди. «Моноқ» массивида ҳам шу усул қўлланилди. Яна 150 гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати ўнгланди. Ўтган йили бундай ерлардан яхши ҳосил олинди. Бу янги усул шарофати туфайли. Агар шу 220 гектардан ўртача 28 центнердан пахта етиштирилганда ҳам 536 тонна бўлади. Миробларнинг ҳосил салмоғига таъсир кўрсатишдаги беқиёс хизмат ҳам шунда.

Фарҳод МУҲАММАДИЕВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

ҚАЙ БИРИ АФЗАЛ?

Ўзбекистон ХДП Мирзо Улуғбек тумани каенгаши янги сайланган бошланғич партия ташкилоти котибларининг бўлиб ўтган семинарида кўппартиялилик шароитида ташвиқот ва ташкилий ишлар ҳамда партиямиз сафига хайрихоҳларни жалб этишда янгича услуб, шакллардан фойдаланиш тажрибаси умумлаштирилди. Ҳозирги ижтимоий-сиёсий вазиятда бошланғич партия ташкилотларининг меҳнат жамоалари ва маҳаллалардаги ўрни хусусида фикрлар билдирилди. Бошланғич ташкилотларни қандай— ҳудудий (яшаш жой) ёки меҳнат жамоалари нуқтаи назаридан тузиш маъқулми? Анжуманда шу савол атрофидаги мулоҳазалар қизғин баҳсга айланди.

Семинарда кўтарилган масалалар бўйича маълум хулосаларга келинди. Фикрлар умумлаштирилди ва бошланғич партия котиблари олдига аниқ вазифалар қўйилди.

Саима АБДУРАИМОВА,
Мирзо Улуғбек туман партия кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири.

Ўзбекистон яйловларида.

Шоназар ИБРОҲИМОВ олган сурат.

Шатранж олами

БИРИНЧИ, БОЛИБ КАЛЬКУТТАДА ПАРИЖДА ҒОЛИБ

Ўн йилдан ошдики, Ҳиндистоннинг Калькутта шаҳрида кўзга кўринган шахматчилар иштирокида давлат арбоблари соврини учун анъанавий халқаро мусобақа ўтказиб келинмоқда. Бундан роппа-роса ўн йил аввал бўлиб ўтган ана шундай баҳсда биринчи ўзбек гроссмейстери Георгий Аъзамов илк марта соврин билан қайтган, бугунги кунда ман-ман деган гроссмейстерлардан бири сифатида танилган, ўша пайтда 15-16 ёшларда бўлган ҳиндистонлик В. Ананд эса ўзини кўрсатиб, обрўли дона суриш усталари таҳсинига сазовор бўлган эди.

Ўтган йили ана шундай мусобақада қатнашган вакилларимиздан А. Ненашов билан Р. Қосимжонов юқори поғоналардан жой олиб қайтгандилар. Бу йил ҳам антиқа бўлди. Кўп мамлакатлардан Калькуттага тўпланган етмишдан кўпроқ шахматчи орасида ўн бир турдан иборат баҳсларда Александр Ненашев ғолиб деб топилди. У ўн бир имкониятдан саккизта очко жамғарди.

Бундан руҳланган Александр жаҳон шахсий биринчилигининг минтақалараро турнири олдидан яна бир йирик мусобақага йўл олди. Парижда ўтказилган анъанавий шахмат кўригига турли қитъалардан беш юздан зиёд кучли шахматчи тўпланиб, уларнинг саксон нафари гроссмейстерлар эди.

Дастлабки икки ўйинда бор-йўғи ярим очко олган А. Ненашев кейинги етти учрашувнинг барчасини ғалаба билан якунлаб, ғолиблик супасига кўтарилди. Яна уч вакилимиз чирчиқлик гроссмейстер Сергей Загребельний, халқаро мастерлар тошкентлик Р. Қосимжонов ва самарқандлик Барсов ҳам юқори натижага эришдилар.

Мамажон МУҲИДДИНОВ.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ОШИҚМАГАН ҚУЁНГА ЕТИБДИ»

Газетанинг шу йил 17 февраль сонида чоп этилган юқоридаги сарлавҳали мақолада Сирдарё вилоятининг Гулистон туманида газлаштириш пайсалга солинаётгани танқид қилинган эди. Мақола юзасидан Сирдарё вилояти ҳокими **F. ҲАСАНОВ**дан жавоб хати олинди. Унда хусусан шундай дейилган:

Мақола вилоят ҳокимлиги, «Сирдарёгаз» ишлаб чиқариш бошқармаси, «1-Ўзбекгазқурилиш» трестига қарашли 2-қурилиш-монтаж бошқармаси раҳбарияти иштирокида кенг муҳокама этилди. Гулистон тумани, жумладан «Боёвут» жамоа хўжалиги буюртмасига асосан 1991 йилда «Ўзгазлойиҳа» институтининг Сирдарё вилоят лойиҳалаш бўлими томонидан лойиҳа-пешҳисоб ҳужжатлари ишлаб чиқилган. Газ қувури ётқизиш ишлари 1992 йилда «Ўзбекистон», «Қизил тонг» ва «Боёвут» хўжаликлари буюртмасига асосан «1-Ўзбекгазқурилиш» трестининг 2-қурилиш-монтаж бошқармаси томонидан бошланди.

1992 йилда режага асосан «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида 2 км., «Қизил тонг» жамоа хўжалигида 4 км., «Боёвут» жамоа хўжалигида 18 км. газ қувурлари тортиш кўзда тутилган эди. Бу ишлар бажарилмай, фақат «Боёвут» жамоа хўжалиги ҳисобидан 8268,7 минг сўм маблағ ўзлаштирилди. 1992-1993 йилларда «Ўзбекистон», «Қизил тонг» ва «Боёвут» жамоа хўжаликлари бўйича 6,1 километр газ қувурлари ишга туширилди. 1994 йил режасига асосан жамоа хўжалиги ҳисобидан «Қизил тонг» хўжалигида 5 км., «Боёвут» хўжалигида 10 км. газ қувурлари қурилиши керак эди. Аммо бу хўжаликлар томонидан маблағ ўтказилмаганлиги сабабли қувватлар ишга туширилмай қолди.

1995 йилги режага асосан давлат маблағи ҳисобидан «Қизил тонг» жамоа хўжалигида 6,5 км. газ қувурлари қурилиб ушбу хўжаликнинг бир қисм аҳолисига табиий газ берилди. «Боёвут» хўжалигига газ қувурлари келтириш учун яна диаметри 159 мм. бўлган 7 км. қувурлар керак. Ҳозирги кун нархида бу ишларни амалга ошириш учун 10 млн. сўм маблағ талаб этилади.

Вилоятнинг 1996 йилга мўлжалланган режа-лойиҳасига асосан «Боёвут» хўжалигига 6 км. газ қувурлари қуриш учун 3756 минг сўм давлат ҳисобидан ажратиш кўзда тутилмоқда. Зарур маблағ ажратилгач, қурилиш давом эттирилади.

Ислоҳот ва масъулият

ЧОРВАДОРГА ОСОН ТУТМАНГ

Мана баҳорнинг илк кунлари бошланди. Деҳқончилик саноат мажмуининг барча жабҳасида бўлганидек, мўл-кўлчилик бунёдкорлари — чорвадорлар ҳам ўтган даврда эришилган натижаларни чуқур таҳлил қилмоқдалар, йўл қўйилган хатоларнинг сабаблари атрофлича ўрганилаётир.

Бир қараганда нуқсонлар унча катта эмасдек туюлади. Қиш қаттиқ бўлмади. Одатда қишлов — чорвадор учун синов дейилади. Лекин ҳақиқий чорвадор қишнинг енгили бўлмаслигини яхши билади. Масалан, бу йил кўп жойларда охурга тушадиган емишнинг сифати талаб даражасида бўлмади. Чорвачиликни режалаштириш ва оқилона ташкил этишда яйловларнинг озиқ сиғимини, унда боқиладиган қўй-қўзининг сонини қатъий ҳисобга олиш зарурати туғилди. Тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, мутаносибликнинг бузилиши, озуқа ва мол туёғи ўртасидаги нисбатнинг тўғри келмаслиги янада мураккаб вазиятни вужудга келтирмоқда.

Хўш, республикамиздаги мавжуд чорвачилик фермаларида бугунги аҳвол қандай? Зарбдор тармоқни қарамликдан қандай халос этиш мумкин?

Биз ушбу саволларга жавоб излаб, Бухоро вилояти Коган туманидаги бир қанча йирик чорвачилик мажмуаларининг иш тажрибалари билан танишдик.

ТАНИШУВ

«Пролетаробод» давлат хўжалиги 38 йил бўлибдики, майда туёқли молларни (қўй-қўзиларни) бўрдоқига боқиш, давлатга гўшт етказиб бериш ҳамда қоракўлча тери тайёрлаш билан шуғулланади. Хўжалик уч-тўрт йиллан бери чорвачиликдан яхшигина фойда кўряпти.

Сабаби озуқани ўзида етиштиради. Хўжаликнинг 190 гектар майдони озуқа экинларига ажратилган. Ундан ташқари 100 гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланиб, чорва озуқаси учун оралиқ экинлар экилмоқда. Мавжуд экин майдонларидан 950 тонна беда, 2-2,5 минг тонна оқжўхори ва бошқа турлаги чорва озуқаси олинмоқда. Хўжаликда ҳар йили 200-220 тонна дағал хашак жамғарилади.

Мавжуд учта фермада эса бугунги кунда 25 минг бош қўй-қўзи, 700 га яқин қорамол зооветеринария қоидалари асосида бўрдоқига боқилмоқда.

— Ҳозир дуч келган одамдан саломатлигини сўрасангиз албатта бирон жойидан шикоят қилади. Қуй ҳам шундай: касалланса касал қўзи туғади, — дейди хўжалик раҳбари Неъматжон ака Мамаризаев. — Шу боис, бизда ҳар куни 24 соатлик навбатчилик ташкил қилинган. Давлатга ҳар йили 2100 тонна миқдорида гўшт топширяпмиз. Гўштга топширилаётган қўйнинг тирик вазни 48-50 килограммдан кам бўлмаяпти. Хўжалигимиз ҳудудида ойига 2-2,5 тонна гўшт суйишга ихтисослашган суйиш цехини ташкил қилдик. Ушбу цехнинг очилишидан мақсад Бухоро гўшт комбинати билан хўжалик орасидаги 25 чақиримлик масофага юк ташувчи транспортлар харажати тежалади. Биз буюртма асосида гўштни ўзимиз ишлаб чиқармоқдамиз. Иккиламчи маҳсулотларимиз эса 200 кишилик меҳнат жамоамизга бепул тарқатиляпти. Ортгани эса фирма дуконларимиз орқали бозор нархларидан анча арзон баҳоларда харидорларга сотилмоқда. Ундан ташқари, йилига 35 минг дона терига ишлов берадиган ҳамда бир йула бўяш ишларини бажарадиган цехимизда совлиқ қорнидаги қўзичоқни, туғилмасдан олдин суйиш даврида териси шилиб олиниб, унга қайта ишлов берилади. Бу сингари терилар энг сифатли булиб, жаҳон бозорида юқори ўринларни эгаллайди. Бу маҳсулот — қоракўлча деб юритилади. Мана шулар билан бир қаторда қоракўл ҳамда қуй терисидан эркаклар ва аёллар учун пальто ва ярим пальтолар, турли мавсумбоп кийимлар, бош кийимлари тикиш цехи ҳам фаолият кўрсатмоқда. Ишлаб чиқаришимиздан ортган 15-20 тонна миқдордаги жун маҳсулотлари Тошкент вилоятининг Келес шаҳарчасидаги жунни қайта ишлаш фабрикасига юборилмоқда ва бунинг эвазига хўжалигимиз учун зарур ускуналар, иплар, қирқим аппаратлари, бир қанча дастгоҳлар келтирилмоқда. Ойлик маош эса ўртача 1200-1800 сўм миқдорида белгиланган. Жамоамиз аъзолари олаётган ойлик маош бу йил икки бараварга ошиши кутилмоқда.

— Лекин бир тилагимиз бор, буни албатта ёзинг, — дейди Н. Мамаризаев қатъий таъкидлаб. — Доим чўпондан натижа сўраймиз-у, уни тақдирлашга келганда қийналамиз. Илгари мукофотта машина ажратиш имкони бор эди. Бозор иқтисодиётига ўтилгач эса у йўқ бўлди. Имкон бўлса, иложини қилиш керак. Мана, яқинда узимизнинг автомобилимиз Асакадан чиқа бошлайди...

ТАРМОҚ МУАММОСИ

Шароф Рашидов номли бўрдоқичилик давлат хўжалиги раҳбари Раҳмат ака Муҳаммедов ўша куни диққат бўлиб турганларга ҳам қатор имтиёзлар, янгиликлар бериш зарур.

ДАРОМАД МАНБАИ

Раҳбарнинг юқоридаги қуюнчаклик билан айтган гапларига ишонқирамай, хўжалик молхоналарини айланамиз. Барчаси рисоладагидек, тўла механизациялашган. Озуқа техника ёрдамида майдаланиб, жониворларга берилятпти. 33 та усти ёпилган айвонларда қорамоллар бўрдоқига боқилмоқда. Ёпиқ бинолар эса тозаланиб, тахт қилиб қўйилган. Хўжаликнинг 4 нафар ветеринария шифокори жониворларни синчиклаб кўради, керак бўлса, бўрдоқибоқарларга маслаҳатлар беради. Ферма ҳовлиси этагида куниги 20 бош қорамол суйишга мўлжалланган цех қад кўтарибди. Ундан сал нарироқда колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мослашган кичик цех зарур анжомлар билан таъминланибди. У билан ёнма-ён консерва цехи қурилмоқда.

Бу ерда вилоятнинг барча хўжаликларидан сотиб олинган вазни 60-100 килограммгача бўлган моллар зооветеринария қоидалари асосида парваришланади. Табақалаб боқиш, рационга қатъий риоя қилиш доимий назоратда. Наввосларнинг ҳар бири 450-500 атрофида, сигирлар 400-450, қуй-қўзилар 48-50 килограмм тош босганда гўштга топширилади. Хўжаликда ишлаб чиқилган амалий тадбирлар натижасида молхоналар ва озуқа цехлари зарур жиҳозлар, замонавий асбоб-ускуналар билан тўла таъминланмоқда. Саъй-ҳаракат ўз самарасини берятпти. Маҳсулот етиштириш кўпайиб, соф даромад ортиб бормоқда. Хўжаликда чорвачилик фойдали тармоққа айланмоқда.

Хўжаликнинг йиллик ҳисоботларини кўздан кечирар эканмиз, фойдали рақамларга дуч келамиз. Ўтган хўжалик йилида 1353 тонна гўшт топширилган. 1996 йилнинг шу давригача эса 1500 тонна гўшт сотилди. Жамоада 9359 бош қорамол бўлиб, шундан 280 боши сигир, 815 боши эса қуй-қўзилардир.

Биз рақамлар билан ишлашга ўрганиб қолганмиз. Рақамлар қанчалик улкан бўлса, шунчалик ҳайратимиз ошади. Шароф Рашидов давлат хўжалиги ҳам ўтган 1995 йилда 6 миллион 984 минг сум соф фойда кўрди. Бу кўрсаткичга эришишда 410 кишилик меҳнат жамоасининг хизматлари беқиёс.

— Эришаётган ҳамма ютуқларимиз одамларимизнинг фидойи меҳнати ва қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошираётганимиздан, — дейди давлат хўжалиги директори Раҳмат Муҳаммедов биз билан хайрлашаркан. — Ҳали тинмай изланишимиз, янгиликларни қўрқмасдан ишлаб чиқаришга жорий этишимиз керак. Интилсак, иншоолло, мақсадимизга етишимиз тайин.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

МУАММОНИ ҲАЛ ҚИЛСА БЎЛАДИ

• ТЕҲРОН. Тожикистон бирлашган муҳолифати (ТБМ) Тожикистон ҳукумати билан олий даражада учрашув ўтказишга тайёр эканини маълум қилди. ТБМ раиси ўринбосари Акбар Тўражонзоданинг таъкидлашича, муҳолифат йўлбошчиси Саид Абдулло Нурий яқин кунлар ичида Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов билан учрашади.

«Учрашувда энг асосий масала — ўтиш даврида муҳолифат вакиллари давлатни бошқариш ишларида қатнашиши билан боғлиқ муаммо ҳал қилиниши керак. Ўтиш даври янги парламент сайлангунга қадар, яъни икки йил давом этади, бошқа масалаларни эса бартараф этиш қийин эмас», деди А. Тўражонзода.

ҲАЛОКАТ ҚУРБОНЛАРИ

• *ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг Ҳарьяна штатида рўй берган автоҳалокат оқибатида 40 нафар киши ҳалок бўлди, 10 нафар киши эса жароҳатланди.*

Мазкур штатнинг Каитхал шаҳрида юк машинаси йўл ёқасидаги каналга қулаб кетган. Машинанинг кузовида 50 нафар йўловчи бўлган. Воқеа жойига етиб келган маҳаллий аҳоли эса бор-йўғи тўрт нафар йўловчинигина қутқариб қолишга улгурган.

ТЎҚНАШУВЛАР ЖИДДИЙ ТУС ОЛМОҚДА

• ЖАЗОИР. Бу ерда мамлакат хавфсизлик кучлари ҳарбийлари билан жангарилар ўртасидаги тўқнашувлар кундан кун жиддий тус олмоқда. Жазоир ахборот агентликларининг хабарига кўра, ўтган кунларда бўлиб ўтган қуролли тўқнашувлар оқибатида ўнлаб жангари ҳалок бўлган.

Ҳукумат билан ислом жангарилари ўртасида қарийб тўрт йилдан буён давом этаётган ушбу можарода тахминан 50 минг нафар жазоирлик ҳалок бўлди.

Ушбу келишмовчиликлар 1992 йили мамлакатда ўтказилган парламент сайлови билан боғлиқ. Айни пайтда фаолияти тақиқланган мазкур ислом қутқариш фирқаси тўрт йил аввалги парламент сайловининг биринчи турида ғолиб келган, бироқ шунга қарамай, ҳукумат сайлов натижаларини бекор қилган эди.

ФАВҚУЛОДДА МАЖЛИС БЎЛИБ ЎТДИ

• *РИМ. Италия 12 март куни мамлакат Бош вазири Ламберто Дини раҳбарлигида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилот ва махсус хизмат раҳбарларининг фавқулодда мажлиси ўтказилди. Тадбир халқаро қўпорувчиликка қарши кураш муаммоларига бағишланди. Бу ҳақда Италия ҳукумати раисининг матбуот котиби маълум қилди. Ушбу мажлис кеча Миср пойтахти Қоҳирада халқаро қўпорувчиликка қарши кураш муаммоларига бағишлаб ўтказилган халқаро йиғилиш олдидан ўзига хос тайёргарлик босқичини ўтади.*

ЖИНОЯТЧИ ҚОРА КУРСИДА

• РИГА. Ушбу шаҳар судида Латвияда катта шовшувга сабаб бўлган жиноий иш юзасидан суд жараёни бошланди. Жиноят оламида «Рекэтчилар қироли» номини олган Иван Харитонов бошчилигидаги товламачилар гуруҳига мамлакат жиноий кодексининг беш банди бўйича айблов қўйилмоқда.

Харитонов нефть савдоси билан шуғулланадиган бир неча фирманинг ҳамраиси ҳисобланган ва унинг бевосита раҳнамолиги остида бир неча жиноят содир этилган. Икки йилдирки, Харитонов иши юзасидан суриштирув ишлари олиб борилди, бу вақт ичида асосий гувоҳларнинг баъзилари дараксиз йўқолди, бир нечтаси эса сирли равишда ҳалок бўлди.

ТАЙВАН ҲАМКОРЛИККА ИНТИЛМОҚДА

• *ТАЙВАН. Ушбу мамлакат ҳукумати Осиёнинг уч давлати — Филиппин, Сингапур ва Индонезияга фавқулодда вазият туғилганда Тайван кемалари ва самолётлари учун ўз портларидан жой ажратишни сўраб мурожаат қилди. Хитой билан Тайван ўртасида можаро чиққудек бўлса, Тайван ушбу уч давлат билан ҳамкорлик қилишни кўзламоқда, дейилади шу мавзудаги хабарда. Бироқ, мазкур мамлакатлар Хитой билан дипломатия муносабатлари ўрнатган. Шу боис Тайван билан расмий алоқа қилмайди. Сингапур, Филиппин ва Индонезия ҳукуматлари Тайван билан ҳарбий ҳамкорлик қилиш масаласида АҚШ билан маслаҳатлашиб олишни маъқул кўрмоқдалар.*

НОРОЗИЛИК КУЧАЙМОҚДА

• ДАККА. Бангладешда ҳукумат бошлиғи Холид Зиё тарафдорлари билан муҳолиф партия аъзолари ўртасида тўқнашув юз берди. Натижада икки киши ҳалок бўлди, 200 га яқин киши эса жароҳатланди. Муҳолиф партиялар тарафдорлари уч кундан буён ҳукуматнинг истеъфо беришини ва февраль ойида бўлган сайлов натижаларини бекор қилишни талаб қилиб намойиш ўтказмоқда. Намойишчилар айниқса пойтахт Дакка шаҳрида фаол ҳаракат қилмоқда. Шаҳарда транспорт ишламаяпти, савдо дўконлари, банк, давлат муассасалари ёпилган.

ҚОНУН БУЗИЛГАНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

• *НАМИБИЯнинг Хрутфонтейн шаҳрида Россиянинг АН-12 самолёти экипаж аъзолари ҳибсга олинди. Ушбу мамлакат транспорт, алоқа ва жамоат ишлари бўйича вазирнинг ўринбосари Клаус Дирксниг таъкидлашича,россиялик учувчилар Намибия авиация қонунларини бузган. Ҳаво кемаси фақат текширув ишлари тугагандан кейингина озод этилади, деди у. Маҳаллий ҳокимиятнинг маълум қилишича, самолёт 15 дан 19 февралгача Ангола ва Заирга яширин равишда 18 маротабадан ортиқ қатнаган.*

Лўндасини айтганда

Фаластин полицияси «Ҳамаз» ислом ҳаракати раҳнамоларидан бирини ҳибсга олди.

***

Россия Президенти Б. Ельцин мамлакатда терроризмга қарши кураш ҳақидаги фармонга имзо чекди. Эксперт-мутахассисларнинг фикрича, бу фармон шу йўналишда давлат қонуни эълон қилингунга қадар кучда бўлади.

***

Тожикистон парламентининг бир вакили янги тузилган «Иқтисод ва сиёсат» партиясининг раҳбари Мухтор Бобоев мамлакат шимоли Ленинобод вилоятида номаълум кишилар томонидан ўлдирилди.

***

Қрим парламенти ўзининг навбатдан ташқари сессиясида Киев ва Симферополь ўртасида вужудга келган мураккаб вазиятдан қутилиш йўлларини муҳокама қилди. Қрим депутатларининг фикрига кўра, «Украина ҳукумати кейинги пайтларда Қрим республикасини тугатиш сари қадам ташламоқда», деб хабар беради Москванинг «Маяк» радиостанцияси.

***

Қирғизистон Президенти Асқар Акаевнинг шу ҳафта ичида Москвада бўлиши кутилмоқда, деб хабар беради Интерфакс ахборот агентлиги.

***

АҚШ Президентларининг қароргоҳи бўлмиш Оқ уйда ёнғин чиқди. Махфий хизмат вакили Карл Мейернинг айтишича, ёнғинни тезда бартараф этишга муваффақ бўлинди. Билл Клинтон ва унинг оиласи ёнғин пайтида Оқ уйда эмас эди.

***

Россия Федерацияси Кемерово вилояти раҳбарларидан бири Аман Тулеев: «Президент тарафдорлари вилоят ва Олтой ўлкасида нафақат коммунистлар, ҳатто шахсан менга қарши тарғибот-ташвиқот олиб бормоқдалар», — деди. Шунга қарамай, РФКП ғалаба қозонса, партия раҳбари Геннадий Зюганов унга Бош вазир лавозимини ваъда қилган.

ЧАРХПАЛАК

***

Жанубий Қурия Президенти Ким Ен Саннинг, бугунги кунда Шимолий Қурияда ақлли бирор раҳбар қолмади, деган фикридан Пхеньяндаги давлат раҳбарлари қаттиқ ранжидилар. Ва бундан буён Сеул билан ҳеч қандай музокараларга киришмасликларини расман маълум қилдилар, Жанубий Қурия раҳбари сиёсий муносабатлардаги ҳушёрликдан анча йироқлашиб кетганини шу гап билан билдириб қўйди.

***

Покистон Бош вазири Беназир Бҳутто расмий ташриф билан Индонезия пойтахти Жакартада бўлди. Унинг мақсади иккала мамлакат ўртасида сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий соҳаларда алоқаларни йўлга қўйиш, шу йўналишларда ҳам ҳамкорлик олиб боришни таъминлашдир.

***

Хабарингиз бор, Америкада нашр этиладиган бир қатор газеталарда, Покистон ўз синов майдонларининг бирида янги ядро қуролини кўрикдан ўтказишга тайёргарлик кўраётир, деб хабар тарқатилганди. Ана шу воқеага муносабат билдирган Покистон Ташқи ишлар вазирлиги жиддий норозилик билдириб, Вашингтонга махсус мактуб йўллади. Унда, «Вашингтон пост» газетаси ўзининг асоссиз ахбороти учун жавоб бериши кераклиги таъкидланади.

***

Япония парламентида рўй берган сиёсий инқирознинг олдини олиш учун мамлакатдаги сиёсий гуруҳлар, айниқса парламентдаги шу гуруҳларнинг вакиллари қатъий бир хулосага келишлари керак. Чунки улар ҳукуматнинг 1996 йилги бюджети юзасидан тайёрлаган лойиҳалари хусусида турлича фикрга эгалар. Айниқса, мамлакатдаги синаётган фирмаларга ҳукуматнинг қўшимча маблағ ажратиши муҳолифчиларга ҳуш келмаётир.

***

Кеча Сингапур шаҳрида Осиё ва Тинч уммони минтақасидаги мамлакатлар ахборот вазирларининг йиғини бошланди. Улар минтақада алоқа йўлларини яхшилаш, ахборот алмашиш усулларини такомиллаштириш устида маслаҳатлашмоқдалар. Малайзия ахборот вазири Муҳаммад Раҳматнинг фикрига қараганда, Жанубий Осиё мамлакатлари шу йўл билан жаҳон ахборот алмашув тизимига ўтишлари мумкин.

***

АҚШ Президенти Билл Клинтон фармойиши билан Тель-Авивга бу ерда содир бўлган йирик портлаш оқибатларини таҳлил этувчи техник экспертлар гуруҳи етиб келди. Уларнинг мақсади— террорчилик ҳаракатини қандай гуруҳ, қайси йўл билан амалга оширган ва қандай техникадан фойдаланганини аниқлаб беришдир. Б. Клинтон бундай чора халқаро терроризмнинг ҳамкорликдаги ҳаракатига тезда барҳам бериши мумкин, деган фикрни илгари сурди.

***

Яқинда Русия Федерацияси ҳукумати ва Халқаро Валюта жамғармаси (ХВЖ) ўртасида ўзига хос дастур — шартнома имзоланди. Унга кўра, ХВЖи РФга 12 млрд. доллар миқдорида уч йиллик муддатга мўлжалланган ёрдам кўрсатади. Ҳукумат давлат харажатларини янада қисқартиришни мўлжалламоқда. Бу шартномани эксперт-мутахассислар РФнинг уч йилга мўлжалланган чинакам иқтисодий дастури деб баҳоламоқдалар. Унга асосан, ХВЖнинг ёрдами мамлакат ишлаб чиқариш суръатини жадаллаштиришга сарфланади. Бу ҳар бир русияликнинг ҳаёти яхшиланишига сезиларли таъсир этиши кутилмоқда.

***

Литва электр тармоқларида фавқулодда ҳолат юзага келди. Фойдаланила бошланганидан буён биринчи марта Игнолинск атом электр станцияси ядро ёқилғи заҳираси йўқлиги сабабли тўла қувват билан ишламай қолди.

БЕҲАЗИЛ ГАП

• ЭРОНнинг жанубида жойлашган Жужан қишлоғида яшовчи 107 ёшли Элиас Хушмандий 20 ёшли қизга уйланди. Унинг айтишича, қиз ҳам Элиас бобони яхши кўраркан. Янги уйланган бобонинг беш ўғли ва 50 га яқин невара ҳамда чеваралари бор, қишлоқдошларининг айтишича бобо ҳали ҳам соғлом ва бақувват.

***

• НЕГА кишиларнинг боши кўпроқ оғрийди. Масалан, британияликлар оғриқ қолдирувчи дориларни истеъмол қилганимиз учун ҳам кўпроқ бошимиз оғрийди, деб ҳисоблашмоқда. Буни Лондондаги касалхоналардан бирининг физиолог врачи аниқлади. Унинг айтишича, муттасил бош оғриши оғриқ қолдирувчи таблеткаларни керагидан ортиқча истеъмол қилувчи кишиларда кўпроқ юз берар экан. Бундай дориларни истеъмол қилишдан воз кечганлар эса ўзларини енгил ҳис этарканлар.

***

• АМЕРИКАнинг Сан-Франциско шаҳрида жойлашган «Олтин эшик» кўприги 1937 йилда қурилган. Шундан буён бу жой ўз жонига қасд қилувчиларнинг «севимли» маконига айланган.

Қарийб 59 йилдан буён бу ерда минтқа яқин америкалик 67 метр баландликдаги кўприкдан ўзини пастга ташлаб, ҳалок бўлган. 25 нафар киши қутқариб қолинган. Бироқ шунга қарамасдан «Олтин эшик» кўприги жаҳонда энг кўп ўз жонига қасд қилувчилар жойи бўлиб қолган.

Финляндия

ЛОСЬ, ЎТА ҚОЛ!

Биласизми, наинки табиат, баъзан хайвонот олами ҳам инсонга ўз ҳукмини ўтказишга ҳаракат қилади. Финлар олдида шундай муаммо туғилди. Ишонмайсизми? Яқинда Финляндия ҳукумати ҳайвонлар учун ерости йўли —тоннель қазиш учун 20 миллион доллар маблағ ажратишни режалаштирди. Чунки давлат аҳамиятига молик автомобиль йўлларида «қароқчи» — лослар шунга мажбур этяпти.

Лосларнинг «ҳужуми» борган сари ортаётганидан ташвишланган ҳукумат шундай чорани ишлаб чиқди. Маст ҳолатда машина рулини бошқариш туфайли рўй бераётган ҳалокатдан кейинги ўринда лослар ҳужуми кўрсаткичи туради.

Машҳур хонанда Саули Лехтонена лослар билан шундай тўқнашувда ҳаётдан кўз юмгани ҳақида ўқигансиз. Айниқса одамларга баҳор кезлари лослар ҳужуми кучайиб кетади.

«Лослар ҳаракат хавфсизлиги учун хавфлидир, — деб шарҳлайди мамлакат транспорт вазирлиги вакили Торстен Лумабба. — Улар борган сари ҳаддиларидан ошяптилар. Лослар на йўл қоидалари белгисини, на ҳайдовчининг огоҳлантиришини «писанд» қилади...»

Қизиғи, ҳайвонларни ҳам табиат бекаму кўст қилиб яратган. Лосларнинг оёғи узун ва чайирлиги уларнинг «йўл тўсарлик»ларида жуда қўл келади. Лось «ҳужум» пайтида машинанинг устига бор золвори билан ётиб олади, шу аснода ўз-ўзини ҳимоя ҳам қилади. Унинг вазнига дош беролмаган ҳайдовчи ва машина...

Ер ости йўли мамлакатда мавжуд 40 мингдан ортиқ лосга маъқул тушармикин, деган савол ҳаммани ўйлантириб қўйди. Энига 10 метр, 7 метр баландликдаги «лослар учун махсус йўл»нинг яна бир мавҳум томони ҳам пайдо бўлди. Ўйлаб кўринг-а, «йўлка» қоп-қоронғи бўлса, лослар ёруғ жаҳонни тарк этиб кирармикин? Ана, сизга ер ости йўлининг афзаллиги-ю, ноафзаллиги?!

Италия

«МУДРАБ» ЁТГАН ВУЛҚОН

Табиат инсонга беназир ноз-неъматлар инъом этади. Баъзан эса у ўта шафқатсиз. У одамлар ҳаётига хавф солиб туради. Италиядаги Везувий вулқони ана шундай. Бу— шафқатсиз вулқон портлаб Помпеядаги 16 минг аҳолининг ёстиғини қуритганди.

Афсуски, вулқон бу билан ҳам «қаноатланмади». Ҳамон пусиб, инсон ҳаётига раҳна солишда давом этяпти. Мутахассисларнинг айтишича, вулқон кейинги сафар кўзда тутилганидан етти марта тезликда олдинроқ яна «бош кўтарди». Уч юз йилдан ортиқ ер қаърида «мудраб» ётди.

Маълумки, вулқонлар канча узоқ «сукут» сақласа, портлаш кучи шунча даҳшатли. Агар 1631 йилдаги куч билан қайта яна портласа, 100 миллион куб-метр тупроқли лавани 2 километр баландликка итқитиши мумкин. Вулқон портлагач эса бир неча кундан сўнг олов аждаҳоси ўз йўлида давом этади. «Мудраётган» вулқон охирги марта 1944 йилда «ҳунар» кўрсатганди. Агар у яна «ҳужум» қилса хавф солаётган ҳудуддан 600 минг аҳолини кўчиришга тўғри келади.

Франция

«СИНИШ»ГА ДОШ БЕРИШ ОСОНМАС

Ҳозирги бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш даврида ўзаро рақобат маҳсулот сифатини яхшилаяпти, қисман бўлса-да, нархини туширяпти. Лекин тараққиётнинг ҳам қатъий қонуниятлари бор. Шу ўринда Франция тажрибаси ҳақида икки оғиз сўз.

Франция ҳукумати майда магазин, нонвойлар ва шунга ўхшаш маиший хизмат турларига алоҳида ғамхўрлик кўрсатяпти. Чунки иқтисодий бақувват супермаркетлар билан рақобатлашишда улар тез-тез «синиб» қоляпти.

Кейинги 10-15 йилда булька-нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи нонвойлар 5 мингтага, майда кафе ва ресторанлар сони 30 мингтага озайди. Лекин майда савдо дўконлари ҳам бўш келмаяпти, аввалгидек қувватда ишлашга жон-жаҳди билан ҳаракат қиляпти. Эътироф этиш керак, французлар озиқ-овқат истеъмол қилишда ҳам ўта нозик таъблидир. Бу эса маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ўзларига янада талабчан бўлишини талаб қилади.

Парижликлар Реймон Авереннинг булька-нон маҳсулотларини «озгина-созгина» дея қўлма-қўл харид қилишади. Унинг ўзи бундан фахрланади: «Мижозларим дўконим олдидан беэътибор ўтиб кетолмайди. Ҳозиргина пиширилган маҳсулот ҳиди димоғни қитиқлаб турса... узоққа бориб нима қилишади. Нархи ҳам супермаркетникидан бироз пастроқ-ку...» Лекин Реймонга бу фахрланиш қимматга тушяпти. Ўзи 15 соатлаб, ярим тунда бошланадиган навбатчилар гуруҳи келгунча печь олдидан кетолмаяпти. Афсуски, бундай оғир иш шароитида ишловчилар сони борган сари озайиб қоляпти.

Хабарингиз борми?

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ ЎЗ НОМЗОДИНИ БМТ БОШ КОТИБЛИГИГА ҚЎЙМОҚЧИ

«МИЛЛИЁТ» (ТУРКИЯ) ГАЗЕТАСИ: Дунё миқёсида машҳур ёзувчи, Қирғизистоннинг Люксембург давлатидаги элчиси Чингиз Айтматовнинг келаси йили БМТ Бош котиби лавозимини эгаллашида катта имкониятларга эга. Қирғизистон ҳукумати вакилининг газетага берган интервьюсида Айтматов ўз номзодини бу юқори лавозимга қўймоқчи эканлигини, лекин ҳозирча расмий равишда мурожаат этмаганлигини тасдиқлади. Туркия ўз навбатида бошқа Ўрта Осиё Республикалари ҳам Айтматов номзодини қўллаб-қувватлашларини кутмоқда.

Сўнгги соатда

ЯҚИН ШАРҚДА ТИНЧЛИК ЎРНАТИЛАДИМИ?

Кеча Миср Араб Республикасининг Шарм аш-Шайх шаҳрида давлатлар ва ҳукуматлар бошлиқларининг олий даражадаги учрашуви бошланди. Бу анжуман Яқин Шарқ минтақасида тинчликни барқарорлаштириш, хавфсизликни сақлаш ва зўравонликка қарши кураш масалаларини қамраб олади. Унинг ишида қатнашиш учун дастлаб жаҳондаги 20 дан ортиқ давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарлари, шунингдек 11 мамлакатнинг делегациялари иштирок этиши ҳақида маълумотлар олинган эди. Кечаги кунга келиб бундай мамлакатларнинг сони 30 дан ошиб кетди.

Қизил денгиз қирғоғида жойлашган бу гўзал шаҳарда халқаро анжуманнинг муваффақиятли ўтиши учун муносиб тайёргарлик ишлари олиб борилди. Ниҳоят, анжуманлар маскани кеча АҚШ Президенти Б. Клинтон, Россия Президенти Б. Ельцин, Франция Президенти Ж. Ширак, Германия канцлери Г. Коль, Иордания қироли Ҳусайн, Саудия Арабистони вакиллари, БМТ Бош котиби Бутрос Ғолий, Исроил, Фаластин ва бошқа давлатлар ҳамда халқаро ташкилотларнинг вакилларини кутиб олди.

Миср ташқи ишлар вазири Амр Мусанинг таъкидлашича, мамлакат Президенти Ҳусни Муборак жаҳон давлатлари бошлиқлари билан ана шу учрашувнинг мазмунли ўтиши учун дастлабки тайёргарлик чоғида мулоқотлар олиб борган.

Бундай кенг кўламдаги халқаро анжуман чақирилишидан асосий мақсад Яқин Шарқ мамлакатларида хуруж қилиб турадиган зўравонликнинг пайини қирқишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишдир. Кейинги йилларда ҳаво ва сув транспорти воситаларида, автобусларда ва бозорларда, гавжум жойларда содир этилаётган шармандали зўравонликлар юзлаб бегуноҳ одамларнинг ёстиғини қуритмоқда, аҳоли осойишталигини таҳликага соляпти.

Муҳим халқаро учрашувнинг ишини ёритиш мақсадида 10та космик станция, шунингдек 10 та ҳар хил студия сафарбар этилган. Мухбирлар марказида 2000 журналист иш олиб боради.

Обрўли учрашув бошланган шаҳардан олинаётган дастлабки маълумотларга қараганда, Миср мамлакати Исроил-Фаластин давлатлари ўртасида тузилган шартномаларнинг ўз вақтида бажарилишига хайриҳоҳлик билан қарайди. Бундан ташқари минтақада тинчликнинг барқарор бўлиши Миср халқининг ҳоҳишига тўлиқ жавоб беради.

Олий даражадаги анжуманни Миср Президенти Ҳусни Муборак кириш сўзи билан очди. Шундан кейин АҚШ Президенти Б. Клинтон нутқ сўзлади.

Абдулла ПЎЛАТОВ.

УЛАР ТЕРРОРЧИЛАР ҚУРБОНИ БЎЛИШГАН

ЖАҲОНДА КЕЙИНГИ 10-15 ЙИЛДА ДАВЛАТЛАР ВА ҲУКУМАТЛАР БОШЛИҚЛАРИГА ЎНДАН ОРТИҚ СУИҚАСД СОДИР ЭТИЛГАН.

1981 йил — Миср Президенти Анвар Садат ҳарбий парад чоғида экстремистлар ҳамласи билан ўлдирилди.

1984 йил — Ҳиндистон Бош вазири Индира Гандини унинг қўриқчиларидан бири отиб ташлади.

1986 йил — Швеция Бош вазири Улоф Пальме Стокгольм кўчасида отиб ташланди.

1988 йил — Покистон Президенти Муҳаммад Зиё-ул-Ҳақ қўпорувчилик натижасида қилинган авиация ҳалокатида ҳалок бўлди.

1989 йил — Ливан Президенти Рене Муаввад террорчилар фитнаси туфайли қурбон бўлди.

1991 йил — Ҳиндистон собиқ Бош вазири Ражив Ганди сайловолди учрашуви чоғида террорчи ўқидан ҳалок бўлди.

1992 йил — Жазоир Олий Давлат Кенгаши Раиси Муҳаммад Будиаф омма олдида нутқ сўзлаётганида отиб ўлдирилди.

1993 йил — Шри-Ланка Президенти Ранасингхе Премаддаса қотил террорчи қурбони бўлди. Бурундининг демократик тарзда сайланган биринчи Президенти Мельхиор Ндадайе давлат тўнтаришига уриниш пайтида аскарлар томонидан ўлдирилди.

1994 йил — Руанда Президенти Жювеналь Хабиряримана ва Бурунди Президенти Сиприен Нтарьямира ракета билан уриб туширилган самолётда нобуд бўлишди.

1995 йил — Исроил Бош вазири Исҳоқ Рабинни Тель-Авивда митинг тугагач, яҳудий террорчи отиб ташлади.

Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган танловига

СОҲИБҚИРОН АБАДИЯТИ

Адиб ва олим Бўривой Аҳмедовнинг «Амир Темур» романи Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг соҳибқирон ҳаётига бағишлаб ёзилган илк тарихий бадиий асарлардан биридир.

Адиб асарда бобомиз фаолиятига дахлдор тарихий воқеаларни тартибли (хронологик) ҳикоя қилиш йўлидан борар экан, унга кўр-кўрона сиғиниш йўлини танламайди, балки воқеа-ҳодисаларга, Амир Темур шахсиятига холис ва ҳаққоний ёндашади. Саркарда сиймоси ислом ахлоқига амал этувчи мусулмон, жасур ҳукмдор, оқилдоно, тадбиркор, адолатпарвар амир, танти, бағрикенг инсон ва давлат арбоби сифатларига эга бўлганлиги ишонарли, таъсирчан ёритилган. Айни чоғда адиб ўрта аср давлатчилиги, ўша замон муҳити фарзанди бўлган Амир Темурнинг подшоҳларга ўхшаб, беш йиллик, етти йиллик урушлар, зафарли юришлар қилганлигини ҳам яширмайди.

«Амир Темур» бадеа-романи «Улусдаги беқарорлик», «Эл-юртнинг эмну омонлиги деб», «Жаҳонгирлик қисмати» деган уч қисмдан иборат. Уларда соҳибқирон ҳаётининг уч муҳим даври акс эттирилган. Дастлаб Мовароуннаҳрнинг чингизий хонлардан қутулиб, мустақилликнинг қўлга киритилиши, бунда Амир Темурнинг алоҳида жасорати, тадбиркорлиги ва тахтга ўтириши воқеалари тасвирланган.

XIV асрнинг 60-йилларида Мовароуннаҳрда Чиғатой улусини бошқариб турган амирлар ўртасида ур-йиқит кучаяди. Бу парокандаликдан фойдаланган Мўғулистон хони Туғлуқ Темурхон 1360 йил февраль ойида Мовароуннаҳрга юриш қилиб, уни осонгина қўлга киритади. Тарағай Баҳодир бетоб бўлиб, умрининг охирги кунларини ўтказаётган дамларда Туғлиқ Темурхон юртга бостириб келаётгани ҳақида аввал Ҳожи Барлосга, ундан кейин Тарағай Баҳодирга хабар келади. Темурбек душман кучи кўплиги учун амакиси Ҳожи Барлосга ...ҳ тузишни таклиф қилади. Ҳожи Барлос бунга кўнмай, қочишни афзал кўради. Шунда Темурбек айтади: «Халқни ёғийнинг талонига ташлаб кетиш инсофдан бўлмас. Бошсиз мулк — жонсиз танага ўхшайдур. Сиз ҳам қолинг, тақсир. Эл-юртга бош бўлинг. «Эл-юрт дардига дармон бўл» деган нақл бор, олий ҳазратлари». Шунда Ҳожи Барлос кўрқоқликни, Темурбек мардликни ихтиёр этди. Шу кундан бошлаб тарих саҳнасида 24 яшар Темурбек пайдо бўлди. Шу кундан бошлаб у эл-юрт дардига дармон бўлишни дилига қаттиқ тугди. Шу кундан бошлаб Темурбек тақдир Аллоҳдан деб, жаҳонгирлик қисматини бўйнига олди. Аммо мардликни ихтиёр этган Темурбек учун тарих саҳнасида соҳибқирон бўлиш, жаҳонгирлик қисмати насиб этган неъматни тотиб кўриш осон кечмади

Романда ана шу ўн йиллик жангу жадаллар билан кечган соҳибқирон ҳаётининг энг муҳим нуқталаридан бири — унинг Амир Ҳусайн билан бўлган муносабати таъсирли ифодаланган. Дўст хиёнатининг нақадар аянчли эканлиги ишонарли кўрсатилган. Аслида Амир Ҳусайн Темурбекка қайноға эди. Кўп ишларни Темурбек у билан бамаслаҳат қиларди. Аммо нафс ва хиёнат кўчасига кирган Амир Ҳусайн Темурбекни доғда қолдирмоқчи бўлди. Ҳатто, унинг жонига қасд қилишгача борди. Темурбек шундай мард, жасоратли эдики, ўз жонига икки марта қасд қилган қотилни ҳам кечира олди. Романда Темурбек феъл-атворининг ана шундай бебаҳо жиҳатлари таъсирли чизилган. Амир Ҳусайн билан «Сўнгги учрашув» Темурбек ғалабаси билан якун топади ва унинг мустақил давлат тузиш орзуси ушалади...

Романнинг иккинчи ва учинчи қисмларида соҳибқиронинг жаҳонгирлик қисмати тарихий-бадиий акс эттирилади. У тахтни эгаллагач, мамлакатнинг тинч-осойишталигини таъминлаш, ҳар хил ҳужумлардан сақлаш, фаровонликка эришиш учун саъй-ҳаракатларни бошлаб юборади.

Романда Тўхтамишхон ва Йилдирим Боязид билан бўлган муносабат анча батафсил тасвирланган. Амир Темур ҳазратлари Тўхтамишхонни ўз фарзандидай кўрар, унинг тарбиясига меҳнати сингган, айниқса, Олтин Ўрда тахтини эгаллашга кўмак берган эди. Аммо, туз еб, тузлиққа туфлаган, маънавий отасига хиёнат қамчиси ўқталган бу зиёнкорга Соҳибқирон шундай зарба берадики, натижа кўпгина мазлум халқларнинг рўшнолик кўриши билан якунлашади.

Соҳибқирон Амир Темур ва Боязид Йилдирим муносабати тасвирида кўпроқ хиёнат аталмиш разолатнинг бадиий таҳлили кўзга ташланади. Бу икки буюк давлат ҳукмдорлари бир-бирлари билан узоқ вақт ёзишмалар олиб бордилар. Амир Темур ҳазратлари сулҳ тарафдори бўлиб, ташаббус кўрсатдилар. Аммо Боязид иззат нафси сулҳ тузишга монелик қилди, ўртада эса хиёнатчилар кўп эди. Хиёнат шу даражага етдики, икки мусулмон ҳукмдор орасида уруш чиқди. Тақдир соҳибқиронга кулиб боқди, Анқара ёнидаги жангда Амир Темурнинг зафар туғи ҳилпиради. Ўша замондан ҳозиргача оврўполиклар Амир Темур ҳазратларини биздан ҳам кўпроқ эътироф этишлари шундан-да, ахир!

Энг муҳими, романда тарихий воқеалар қандай кечган бўлса, шундайлигича акс эттирилган. Соҳибқиронкўздан қочирмасликка уринган.

Романни ўқиб, уни қайта идрок этиш жараёнида баъзи мулоҳазалар ҳам туғилди. Асар жанри «тарихий роман» деб белгиланган. Бизнингча, уни «роман-бадеа» деб атаган маъқул бўларди! Шўролар даврида ёзилган кўпгина асарларда «Чингизхон авлодлари», «Мўғуллар» тушунчалари ёвуз кучлар сифатида талқин этилиб, уларга нисбатан қалбимизда кучли бир оғриқ ва нафрат пайдо қилинган. Албатта, мўғулларнинг босқинчилигини ҳамма манбалар тасдиқлайди. Аммо уларнинг маҳаллий халққа сингиб кетиши, ҳатто Амир Темур шажарасининг бир учи Чингизхонга бориб тақалиши масаласини чуқурроқ таҳлил этиш, масалага аниқлик киритиш керакка ўхшайди. Соҳибқирон ҳамиша ёнида Чингизийлар авлоди вакилини хон қилиб кўтариб, ўзи билан бирга олиб юрган. Нега? Бунга нима зарурат бор эди? Тўғри, асарда анъана, таомил, яъни «ясоқ» шундай бўлганлиги тилга олинади. Лекин бу изоҳ етарли эмасдай...

«Амир Темур» романида ёзувчи кўп ўринларда «сир» сақлолмайди, жумладан Боязиднинг Амир Темур томонидан тор-мор этилиши олдиндан айтиб қўйилади.

Асарнинг 260-саҳифасида шоҳ Қутбиддин Соҳибқирон ҳузурига ўзи келиб сулҳ тузишни таклиф қиладию, шу лаҳзада унинг қўшинлари ҳужумга ўтади. Ваҳолонки, кейинги саҳифада шоҳ Қутбиддиннинг яна ҳужум қилганлиги ҳикоя қилинади... Асарда «ўқ овози» «бомбардимон» каби сўзлар бироз эриш туюлади. Баъзи диалогларда жўнлик сезилади. Умуман, асарда тил жиҳатдан таҳрирталаб ўринлар талайгина... Асар тугалланмай қолгандек таассурот қолдиради. Бизнингча, соҳибқиронинг вафоти тафсилоти тасвирланиши лозим эди. Воқеалар мантиқи шуни тақозо этиб турибди...

Романнинг қамрови катта. Унда Амир Темур даврининг ноёб нуқталари, қаламга олинган воқеалар ва шахсларнинг номи муайян изоҳни ҳам талаб этиши аниқ. Худди шу мақсадда муаллиф китобга «Сўнгги сўз», «Амир Темурнинг ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолияти солномаси», «Изоҳлар» илова қилган.

Маҳкам МАҲМУД,
Ғуломхон ҒАФУРОВ,
Шодмон ОТАБЕК.

БИРИНЧИ ҚЎЛЛАНМА

Китоб жавонингизга

Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қарорига кўра жорий йилнинг биринчи сентябридан эътиборан умумтаълим мактабларининг биринчи синфларида лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси ва имлоси бўйича машғулотлар бошланади. Қолган синфларда факультатив машғулотлар ташкил этилади. Шу муносабат билан яқинда «Камалак» нашриёти томонидан чоп этилган филология фанлари номзоди, Тошкент Давлат Иқтисодиёт университетининг доценти Суннатулла Ризаевнинг «Янги алифбони урганамиз» номли қўлланмаси диққатимизни жалб этди.

Қўлланма таълим тизимининг барча бўғинлари ўқувчилари (талабалари)нинг ҳамда кенг китобхонлар оммасининг лотин ҳарфлари асосидаги ўзбек алифбоси билан дастлабки танишувига бағишланган.

Тилдаги айрим товушларга ҳарф (белги) олинишида муаллиф томонидан таклиф этилган «Ўтиш белгисидан» фойдаланилиши келгусида исталган матнларнинг компьютер «тили»да тайёрланиши ҳам вақтни, ҳам иш кучини тежайди. Умуман, «Янги алифбони урганамиз» («Расмли алифбо») номли қўлланма ўзбек лотин алифбоси ҳарфларининг босма шаклларининг ўзлаштириб олинишида, янги алифбода ёзилган матнларни ўқий бошлашимизда дастлабки қўлланмалардан бири бўлиб хизмат қилади.

Барот ЯРАШЕВ,
ЎзРПФИТИ илмий ходими,
Дурдона ҚОДИРОВА,
Тошкентдаги 9-мактаб ўқитувчиси.

ФУҚАРОЛАР, КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент давлат юридик институти қошида ташкил этилган **«ҲУҚУҚШУНОС»** фирмаси қуйидагича хизматлар кўрсатишни ташкил қилади:

— фирма янги Меҳнат Кодексини ўрганиш ҳақида икки ҳафталик пуллик ўқишни жорий этади. Ўқиш гуруҳларга қараб ўзбек ва рус тилларида Кодекс лойиҳасини тайёрлашда қатнашган олимлар томонидан олиб борилади;

— тадбиркор фуқароларга ҳуқуқий билим бериш мақсадида ҳам икки ҳафталик пуллик ўқишни жорий этади. Ўқиш гуруҳларга қараб ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Маърузалар Жиноят ҳуқуқи, Меҳнат ҳуқуқи, Маъмурий ҳуқуқ, Тадбиркорлик ҳуқуқи, Молия ҳуқуқи соҳаларидаги янги қонунлар ҳақидаги тушунчаларга бағишланган бўлади.

Ўқиш 1996 йил 1 апрелдан бошланади.

Шунингдек, фуқароларга, ишбилармон тадбиркорларга, кичик хусусий корхона эгаларига бузилган ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқий маслаҳат бериш хизматини ҳам бажаради;

— янги очиладиган хусусий корхона ва фирмаларга тегишли Низом-Устав таъсис шартномаси ва бошқа ҳужжатларни тезлик билан Сизга маъқул келадиган тарзда тузиб беради;

— хусусий корхонанинг ҳужжатларини тузиб, уларни давлат рўйхатидан ўтказиб бериш каби хизматларни ҳам бажаради.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй, 85-хона.
Телефонлар: 33-90-40, 33-32-59, 33-12-06.

Январь 1996

Central Asian-American Enterprise Fund • Asian Crossroads Loan Company

Акционерное общество закрытого типа

МАДАНИЯТ ИНТЕРНЕЙШНЛ

1. 950. 000 долларов США
Уставной и кредитный капитал

передано подписавшей стороне для производства высококачественной рабочей одежды

Центральноазиатско-Американский Фонд Поддержки предпринимательства

Андижанская область Узбекистан

"АКАТЭКС ТЕКСТИЛЬ САНОАТ ВА ТИЖОРАТ ЛТД"
қўшма корхонаси
тегирмон вальцларини ва 50 кг, 15 кг ун қопларини **СОТАДИ.**
Тўлов шакли: пул ўтказиш, нақд ва векселлар бўйича.
Телефонлар: 67-77-41, 67-23-74.

"САФИ — АРГО ИНТЕРНЭЙШНЛ"
Ўзбек-Афғон қўшма корхонаси

"МУЖДА" дўкони Эронда ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни;
✓ *печенье, вафли, макарон* маҳсулотлари, турли хил *конфет ва ширинликларни;*
✓ *шампунлар, кир ювиш воситалари, кафель* ва бошқа юқори сифатли маҳсулот ва халқ истеъмоли моллари

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, Бош универсал дўконининг савдо расталари 1/2 "МУЖДА" дўкони.
Телефон: 42-36-36
Мўлжал: Бош универсал дўкони (ГУМ) яқинидаги 150-сон дорихона рўпарасида

Дўконимизга мархамат! Азизлар, бизнинг доимий мижозимиз бўлиб қоласиз, деган умиддамиз!

ТАШКИЛОТ
пул ўтказиш йўли билан
Россияда чиқарилган: 208, 211, 214, 215, 218, 304, 305, 306, 307, 308, 310, 312, 314, 316, 60—203, 60—204, 60—205, 8212, 2318, 80204, 32310, 7510, 7608, 7609, 46312, 412, 7804, 7805, 00256706-подшипникларни, шунингдек Т-28х4/3х ва 4х ғилдиракли/тракторларни, Д-144, Д-243 двигателларини
СОТАДИ.
Ҳақ тўлаш — пул ўтказиш йўли билан.
Мурожаат учун телефонлар:48-43-20 ёки 34-12-61.

CUKURS - BIZNESS
ЦУКУРС-БИЗНЕС
UZBEKISTAN
ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:
Шакар етказиб бериш бўйича шартномамизга ҳиссадор бўлсангиз, СИЗ ҲАР ОЙДА 20 ФОИЗДАН 27 ФОИЗГАЧА ФОЙДА ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.
5000 сўмингиз бир ой ичидаёқ 6000 сўм бўлади.
Тошкент шаҳри, Ниёзбек йўли (аввалги Урицкий) кўчаси,6-уй 101-хона. Телефон: (3712) 34-05-07.
Бизнинг манзил: Ҳар бирингиз биз билан ҳамкорликда маблағ ишлаб топишингиз мумкин.
Фарҳод кўчаси, 2-уй, 2-қават, 3-4 хоналар, 16-клиник шаҳар касалхонаси. Телефон: 50-80-17.
БУНИНГ УЧУН ФАҚАТ ҚЎНҒИРОҚ КИФОЯ!

Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроия қўмитаси Ўзбекистон ХДПнинг мамлакат Олий Мажлисидаги фракцияси аъзоси, Бўка тумани ҳокими Р. К. Обидовга волидаи муҳтарамаси
Умри ая МАМАТОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат 1-Тиббиёт институти педиатрия кафедраси ходимлари кафедра мудири, тиббиёт фанлари доктори, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор
Майдин Расулович НУРИДДИНОВнинг вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбарияти ва шахсий таркиби вазирликнинг Моддий техника ва таъминот бошқармаси бошлиғи, ички хизмат полковниги М. А. Турсунхўжаевга волидаи муҳтарамаси
ЗУҲРА аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН
Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс: 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Самарқандда -- 35-22-90;
Бухорода -- 3-54-87; Тошкентда-- 33-12-56;
Гулистонда -- 2-26-22; Урганчда -- 6-51-35;
Жиззахда -- 3-31-86; Фарғонада -- 26-37-16;
Навоийда -- 3-75-43; Қаршида -- 3-25-79;
Наманганда --6-43-43; Қумқўрғонда -- 5-26-24.
Нукусда -- 7-58-83;

Сотувда эркин нархда.
• *Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120*
• *Газета офсет усулида А—2 форматида 35497 нусхада босилди*
• *Ҳажми 2 босма табоқ*
• *Г — 0122*

Навбатчи муҳаррир А. РЎЗИЕВ, навбатчи У. ФАЙЗИЕВА.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21.00. *1 2 3 4 5 6.*

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.